339.138(043.3)
К-96

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:339.13+637.52(575.1)

КУТБИТДИНОВА МОҲИГУЛ ИНОЯТОВНА

ГЎШТ ВА ГЎШТ МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРИДА МАРКЕТИНГ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

08.00.11– Маркетинг

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

ТОШКЕНТ – 2012

339.138(043.3)
К-96

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Иватов Ирисбек

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Икрамов Мурат Акрамович

иқтисод фанлари номзоди, доцент
Юсупов Махамадамин

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон бозор ислоҳотлари илмий - тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси "13" апрель соат 9⁰⁰да Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.06.01 рақамли ихтисослашган кенгаш мажлисида бўлади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2012 йил «12» март да тарқатилди

TDIU
kutubxonasi

Ихтисослашган кенгаш илмий котиби,
иқтисод фанлари номзоди, доцент **А.Н. Самадов**

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида истеъмол бозорини ривожлантириш, аҳолининг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини тўлатўкис қондириш чора-тадбирларига эътибор қаратиш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Мазкур жараёнда иқтисодиётнинг реал секторини аҳамияти йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «...иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди»[1]. Иқтисодиёт соҳалари учун бу жараённинг нечоғлик зарурлигини эътиборга олган ҳолда, аҳоли сиҳат-саломатлиги учун ўта муҳим бўлган гўшт ва гўшт маҳсулотларининг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда катта. Айниқса, бозор ва аҳолининг тўйинганлик даражаси, сифати, хизмат маданияти, товар етказиб берувчилар билан иқтисодий алоқалари ва бошқа фаолият жабҳаларини ўрганиш шу кун талабларидан келиб чиқади ва бунинг асосий сабаби, гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида маркетинг тизимини илмий ва амалий нуқтаи назардан етарли даражада ўрганилмаганлигидир.

Гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида маркетинг тизимини такомиллаштириш жуда долзарб масала бўлиб, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга йўналтирилган ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган илмий-амалий восита ҳисобланади. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорида маркетинг тизимини мунтазам равишда ўрганиб бориш, ривожланиш ҳолатини таҳлил қилиш ва истиқболини аниқлаб бериш муҳим вазифалардан биридир. Бу эса, ўз навбатида, гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозор конъюнктураси яхши бўлиши ва бунда маркетинг тизимидан самарали фойдаланиш ва ривожлантиришнинг назарий ва амалий жараёнларини ўрганишни тақозо этади.

Гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорининг яқин ва узоқ келажакдаги ривожланиши, маҳсулотни ишлаб чиқаришдан истеъмолчига етказишда зарурий савдо жараёнларида маркетинг тизимини қўллаш, ташкилий жиҳатдан уюшган ҳолда сотишни таъминлаш, юқори даражада ташкил этилган сервис, замонавий савдо маданиятини қарор топтириш ҳисобига амалга оширилиши керак. Шунинг учун ҳам, гўшт ва гўшт маҳсулотлари бозорини тадқиқ этиш, унда маркетинг тизими ривожланиши билан боғлиқ муаммолар ҳал қилиниши асосида аҳолининг мазкур маҳсулотларга бўлган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, турмуш даражасини янада юксалтириш ушбу мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

---

[1] Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 37.